

537 - وَعَنْ أَبِي بُرْدَةَ، عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزَّةٍ، وَنَحْنُ سِتَّةُ نَفَرٍ بَيْنَنَا بَعِيرٌ تَعْتَقِبُهُ، فَنَقِبَتْ أَقْدَامُنَا، وَنَقِبَتْ قَدَمِي، وَسَقَطَتْ أَظْفَارِي، فَكُنَّا تُلْفُ عَلَى أَرْجُلِنَا الْخِرْقَ، فَسُمِّيَتْ غَرْوَةُ ذَاتِ الرِّقَاعِ؛ لِمَا كُنَّا تَعْصُبُ عَلَى أَرْجُلِنَا مِنَ الْخِرْقِ، قَالَ أَبُو بُرْدَةَ: فَحَدَّثَ أَبُو مُوسَى هَذَا الْحَدِيثُ، ثُمَّ كَرِهَ ذَلِكَ، وَقَالَ: مَا كُنْتُ أَصْنَعُ بِأَنْ أَذْكُرُهُ! قَالَ: كَانَهُ كَرِهَ أَنْ يَكُونَ شَيْئًا مِنْ عَمَلِهِ أَفْشَاهُ. مُتَقَوِّلٌ عَلَيْهِ [خ 4128، م 1816].

537. Абу Бурда ва Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхулардан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир ғазотга чиқдик. Биз олти нафар эдик. Битта туямиз бор бўлиб, уни навбатма-навбат минар эдик. Оёқларимиз ёрилиб кетди. Менинг ҳам оёқларим ёрилиб, тирнокларим кўчиб кетди. Оёқларимизга латталарни ўраб олар эдик. Оёқларимизга латталарни боғлаб олганимиз учун Зотурриқоъ ғазоти деб номланди».

Абу Бурда айтдилар: Абу Мусо буни сўзлаб бера туриб, кейин буни кариҳ кўрди. У бирор амалини ёйиб юрган бўлиб қолишни истамагандек, «Мен буни айтиб юраман деб қилмаган эдим», деди».

Муттрафақун алаӣҳ.

Шарҳ: «Риқоъ» сўзининг бирлиги «руқъа» бўлиб, парча, қийқим деган маънони билдиради. «Зотурриқоъ ғазоти» дегани латта парчалари ишлатилган ғазот демакдир. Бу ғазот бешинчи ҳижрий санада бўлган. Бу ғазотнинг номланиши ҳақида бошқача қараашлар ҳам бор, бироқ ушбу ҳадисдаги гап машҳур ҳисобланади.

Бу ғазот Муҳориби Хасфа ва Бану Саълаба ғазоти ҳам дейилади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи васаллам ўшандада Нахл деган жойга тушганлар. Бу ғазот Хайбар ғазотидан кейин бўлган, чунки шу ғазот ишгиrokчиси Абу Мусо ал-Ашъарий Хайбар ғазотидан кейин исломга кирганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ: «Пайғамбар алайҳиссалом асҳоблари бирлан бирга еттинчи ғазот, яъни Зотурриқоъ ғазоти куни хавф намозини ўқидилар. Бу ғазотнинг «Еттинчи ғазот» деб аталишига сабаб у Бадр, Уҳуд, Хандак, Қурайза, Мурайсиъ ва Хайбар ғазотларидан кейин воқеъ бўлган», дейдилар.

Ваҳб ибн Кайсон ривоят қиласидилар: «Мен Жобирдан эшитдимки, Пайғамбар алайҳиссалом Нахлнинг Зотурриқоъ мавзесига чиқибдилар. Шунда мусулмонлар билан Гатафон мушриклари тўқнашиб қолибди, лекин жанг бўлмабди. Чунки, Аллоҳ таоло ҳар иккала томонни хавфлантириб қўйибди. Жаноб Расулуллоҳ шу ерда икки ракат хавф намози ўқибдилар»

Солих ибн Хаввот Зотурриқоъда Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга ғазотда бўлган кишидан эшитганларини бундай деб ривоят қиласидилар: «Пайғамбар алайҳиссалом шу куни хавф намози ўқидилар. Аввал бир гуруҳ Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга намозга саф тортди, иккинчи гуруҳ эса душман бирлан юзма-юз турди. Жаноб Расулуллоҳ биринчи гуруҳ билан бирга бир ракат ўқиб, тик турдилар, қавм эса ўзи мустақил иккинчи ракатни ўқиб, намозни тугатди. Кейин, улар бориб душман билан юзма-юз турдилар. Шунда иккинчи гуруҳ келиб Жаноб Расулуллоҳга иқтидо қилди, у зот қолган иккинчи ракатни ўқиб бўлиб, ўтиридилар, жамоат эса ўзи мустақил намозни ўқиб тугатди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ улар бирлан биргаликда салом бердилар»

Бу ҳадисдан олинадиган хуносалар:

- Саҳобалар оддийлик ва зоҳидликда яшашгани, улар ана шу қийинчиликлар рози бўлган ҳолда сабр қилишгани.
- Агар риё ва овоза бўлиб кетишдан қўрқилмаса, солих амалларни зикр қилиш ва Аллоҳнинг неъматларини гапириш жоизлиги.
- Агар риёга мубтало бўлишдан қўрқса, солих амалларни зикр қилишнинг кароҳияти.

Манба: hadis.islom.uz



